

Чорвачилик. 2019 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 100,1 фоизга (1583,5 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 100,1 фоизга (683,0 минг бош), қўй ва эчкилар 100,1 фоизга (2486,2 минг бош), отлар 100,6 фоизга (25997 бош) ва паррандалар 101,8 фоизга (12196,1 минг бошга) ўсди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 79,7 ва 16,4 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 91,6 ва 8,3 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 47,6 ва 27,4 фоизни ташкил этди.

**2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига хўжалик тоифалари бўйича
чорва моллари ва паррандалар бош сони**

| | Барча тоифадаги хўжаликларда | | Шу жумладан: | | | | | |
|---------------------|------------------------------|-----------------|----------------------|-----------------|---|-----------------|---|-----------------|
| | | | Фермер хўжаликларида | | Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида | | Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида | |
| | минг бош | ўсиш суръати, % | минг бош | ўсиш суръати, % | минг бош | ўсиш суръати, % | минг бош | ўсиш суръати, % |
| Йирик шохли қорамол | 1583,5 | 100,1 | 75,4 | 100,8 | 1497,9 | 100,1 | 10,2 | 100,7 |
| <i>шужумладан:</i> | | | | | | | | |
| сигирлар | 683,0 | 100,1 | 26,7 | 100,9 | 654,2 | 100,1 | 2,1 | 86,0 |
| Қўй ва эчкилар | 2486,2 | 100,1 | 135,8 | 100,9 | 2145,5 | 100,1 | 204,9 | 99,1 |
| Отлар | 26,0 | 100,6 | 2,5 | 108,4 | 23,0 | 100,3 | 0,5 | 83,2 |
| Паррандалар | 12196,1 | 101,8 | 2688,6 | 107,2 | 5367,1 | 100,5 | 4140,4 | 100,1 |


Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,6 фоизни, фермер хўжаликларида эса 4,8 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 95,8 ва 3,9 фоизни, қўй ва эчкилар 86,3 ва 5,5 фоизни, отлар 88,5 ва 9,6 фоизни, паррандалар 44,0 ва 22,0 фоизни ташкил этди.

2019 йилнинг январь-сентябрида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 217,8 минг тонна гўшт (2018 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 104,4 фоизга кўп), 954,0 минг тонна сут (100,3 фоизга кўп), 1036,8 млн. дона тухум (102,5 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

**2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига хўжалик тоифалари бўйича ишлаб чиқарилган
чорвачилик маҳсулотлари**

| | <i>миқдори</i> | <i>ўсиш суръати,%</i> |
|--|----------------|---------------------------|
| Гўшт (тирик вазнда), минг тонна | 217,8 | 104,4 |
| <i>шу жумладан:</i> | | |
| Фермер хўжаликларида | 35,6 | 2,5 м. |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида | 173,7 | 93,0 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкilotларида | 8,5 | 104,7 |
| Сут, минг тонна. | 954,0 | 100,3 |
| <i>шу жумладан:</i> | | |
| Фермер хўжаликларида | 79,3 | 164,8 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида | 873,9 | 96,9 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкilotларида | 0,8 | 105,4 |
| Тухум, млн. дона | 1036,8 | 102,5 |
| <i>шу жумладан:</i> | | |
| Фермер хўжаликларида | 283,7 | 177,3 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида | 493,7 | 89,4 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкilotларида | 259,4 | 86,5 |

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби
(ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)



■ Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида

■ Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида

■ Фермер хўжаликларида

Фермер хўжаликлари. 2019 йилнинг январь-сентябрида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 6519,6 млрд. сўмни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 31,7 фоизни ташкил этди.

2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига фермер хўжаликларида 75,4 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 26,6 минг бош сигир, 135,8 минг бош қўй ва эчкилар, 2488 бош от ва 2688,6 минг бош паррандалар мавжуд.